

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВА НАФИСА ФАРҲОДОВНА

**ЛИСОНИЙ БЕЛГИ АСИММЕТРИЯСИ ВА УНИНГ СЎРОҚ
ГАП ТАРЖИМАСИДА ВОҚЕЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in philological Science**

Қосимова Нафиса Фарходовна

Лисоний белги асимметрияси ва унинг сўроқ гап
таржимасида воқеланиши..... 3

Касимова Нафиса Фархадовна

Асимметрия лингвистического знака и её проявление
в переводе вопросительных предложений 23

Kosimova Nafisa Farkhodovna

Linguistic sign asymmetry and its occurrence in the translation of
interrogative sentences..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВА НАФИСА ФАРҲОДОВНА

**ЛИСОНИЙ БЕЛГИ АСИММЕТРИЯСИ ВА УНИНГ СЎРОҚ
ГАП ТАРЖИМАСИДА ВОҚЕЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.211 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Ибодулла Камолович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сиддиқова Ирода Абдузукхуровна
филология фанлари доктори

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол. ф. д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол. ф. д.

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф. д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида турли тизимли тиллардаги сўроқ гапларга хос хусусиятлар, уларнинг диалогик дискурсда қўлланишини чоғиштириб ўрганиш, илмий баҳолаш ва таржима қилиш масалалари соҳа ривожини таъминлашга хизмат қилади. Миллатлараро мулоқот компетенцияларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурати таржиманинг лингвистик, лингвопрагматик, лингвомаданий қирраларини очиб беришни тақозо этади. Бундан ташқари, лисоний белгининг ифода, мазмун ва функция жиҳатлари асимметрияси, таржима асимметрияси тилшуносликдаги янги йўналиш сифатида тил тузилиши, унинг нутқда воқеланишини текширади, муштарак ва фарқли белгиларни қиёсий аспектда аниқлаш имконини беради.

Бугунги кунда дунё таржимашунослигида бадий адабиётдаги сўроқ гапларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш жараёнида уларнинг синтактик, семантик, прагматик хусусиятларини очиб бериш ва таржима қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, инглиз тилидаги сўроқ гапларнинг рус ва ўзбек тилларига таржимасини асимметрик жиҳатдан илмий асослаш функционал тилшунослик, нутқ фаолияти назарияси, матн лингвистикаси, таржима илми ва амалиёти сингари замонавий тилшуносликда шаклланган соҳаларнинг такомил топишига ҳамда функционал таржимашунослик каби янги тенденцияларнинг юзага келишига хизмат қилади. Таржима илмида аслият бирликлари функциясини аниқлаш, қиёсий тадқиқ қилиш ва шу функцияни бир тилдан иккинчи тилга ўгиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишлардаги тадқиқотлар ҳам эътиборга моликдир.

Мамлакатимиз миқёсида турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар даврида таълим ва маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала бўлиб келмоқда. Глобаллашув ва дунё мамлакатлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилаётган бугунги даврда ҳар бир миллатнинг маънавий қадриятлари, руҳиятини ўзида акс эттирадиган бадий адабиёт ва таржимани ўрганиш шу халқнинг маданий илдизлари билан боғлиқ билимларни оширишдаги муҳим омилдир. Ўзбекистонда инглиз тили бўйича халқаро таълим дастурларининг амалга оширилиши тилшунослик ва таржимашунослик соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб боришнинг янги даврини бошлаб бериш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш, инновация фаолиятини такомиллаштириш тилшунослик ва таржимашунослик учун қўшимча имкониятлар яратилиши ҳамда мазкур соҳада чуқур ва янгича изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи 2017 йил, 8 февраль. № 28 (6722).

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Белги тушунчасини муайян тизимга келтирган, лингвистик моҳиятини очиқ берган тилшунос олим Ф. де Соссюрдир². Фалсафадаги шакл ва мазмун номутаносиблиги масаласини тилшуносликка илк марта С.О.Карцевский татбиқ этган³. Лисоний белги асимметрияси унинг гап тизимида намоён бўлиши Н.Маҳмудов ва М.Хайназарованинг тадқиқотларида чуқур ўрганилган⁴.

Шу билан бирга сўроқ гаплар инглиз, рус ва ўзбек тиллари материалида турли олимлар тадқиқотларида таҳлил қилинган⁵. Таржима муаммолари, жумладан, таржимада асимметрия масалалари⁶ қатор олимларнинг ишларида ўрганилган.

Н.Г.Гончарнинг диссертациясида таржимада этнолингвокультурологик нуқтаи назардан асимметрия воқеланиши ҳоллари тадқиқ қилинган⁷. Лисоний белги асимметриясининг сўроқ гаплар таржимасида воқеланишини

² Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. Перевод с французского. – М.: Прогресс, 1977. – С. 31-285.

³ Карцевский С.О. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. – М., 1965. 3-изд. Ч. 2. – С. 85-93.

⁴ Маҳмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 45 с.; Хайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиқлиги. – Т., 1999. – 232 б.

⁵ Винантова И.В. Классификация косвенных речевых актов, выраженных в вопросительной форме (на мат. англ. яз) // Вестник ЧелГУ, № 43. – Челябинск, 2014. – С. 84-88; Дыртый А.Т. Функционально-семантическое поле вопросительности // Мир науки, культуры, образования, № 6. – Москва, 2014. – С. 391-393; Dayal V. Questions. – Oxford: Oxford University Press, 2016; George B.R. Questions Embedding and the Semantics of Answers. Doctoral dissertation. – California: University of California, 2014. – P. 210.

⁶ Ивлева А.Ю. Категория эквивалентности в отечественном и западном переводе. Вестник СУ, № 4 (43). – Самара, 2017. – С. 71-77; Костарев Д.Ю. Симметрия и асимметрия значений полисемантических глаголов в английском и русском языках при переводе с английского на русский язык. – Томск, 2016; Куниловская М.А. Классификация переводческих ошибок // Проблемы теории и практики перевода, № 16. – Нижний Новгород, 2013. – С. 59-71; Прунч Э. Пути развития западного переводедения. От языковой асимметрии к политической. – Москва, 2015. – 513 с.; Сдобников В.В. Оценка качества перевода. Коммуникативно-функциональный подход. Монография. – Москва: Флинта, 2015. – 107 с.; Саломов Ф. Таржима санъати. – Тошкент, 1985. – 263 б.; Холбеков М. Бадий таржима: муаммо ва ечим. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2007, № 29; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 352 б.; Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Дисс. ... док. филол. наук. – Ташкент: Институт языкознания АН УзССР, 2002. – 472 с.; Garceva M. Asymmetries of Translation. – Firenze, Italy, 2014. – P. 237-245; Varley R.A. Word Frequency Predicts Translation Asymmetry // Journal of Memory and Linguistics. – San Diego, 2017. – P. 49-67.

⁷ Гончар Н.Г. Асимметрия в переводе художественного текста: этнолингвокультурный аспект: Дисс. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2009. – 211 с.

ўрганиш мазкур мавзу бўйича бажарилган тадқиқотлар кўламини янги қарашлар билан бойитади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзуидаги илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ равишда ҳамда Бухоро давлат университети ва Италиянинг Пиза университети ҳамкорлигида амалга оширилган «Erasmus+ 2015-1-ITO2-KA107-014705 International Credit Mobility (Халқаро Кредит Мобиллик)» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз тили сўроқ гапларининг рус ва ўзбек тилларига таржимасида лисоний белги асимметриясининг система, структура ва функцияда намоён бўлишини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лисоний белги, унинг ифода, мазмун ва функция планларида воқеланиши ҳолларини белгилаш;

лисоний белги асимметриясининг тилда амал қилиш қонуниятларини аниқлаш;

инглиз тилидаги сўроқ гапларнинг рус ва ўзбек тилларига таржимаси таҳлилин аналга ошириш орқали асимметрия ҳодисасининг намоён бўлишини исботлаш;

Ф. де Соссюрнинг қиймат назариясини таржима таҳлили илми ва амалиётга татбиқ қилиб, мазкур назариянинг таржима сифатини баҳолашдаги мезонларини ишлаб чиқиш;

Инглиз тилидаги сўроқ гапларни структур жиҳатдан умумий ва махсус, семантик жиҳатдан соф ва риторик сўроқ гаплар шаклида белгилаш ҳамда уларни таржима қилиш тамойилларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз тилидаги сўроқ гапларнинг рус ва ўзбек тилларига таржимаси белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз тилидаги сўроқ гапларнинг рус ва ўзбек тилларига таржимасида лисоний белги асимметриясининг воқеланиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда трансформацион, қиёсий-чоғиштирма, контекстуал-ситуатив, контекстуал-дистрибутив, таснифлаш, дискурсив таҳлил ҳамда лингвостатистик методларга мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

савол ва сўроқ гапларнинг концептуал моҳиятига аниқлик киритилган, улардаги маъноларнинг имплицит ва эксплицит равишда ифода этилиши очиқ берилган ҳамда савол ва сўроқ гапларнинг ўзаро шакл ва мазмун дихотомияси далилланган;

лисоний белги асимметриясининг тил тизими ва қўлланишида намоён бўлиши тилда бирламчи ва иккиламчи систем, структур ва функционал хусусиятларни аниқ белгилашга имкон бериши асосланган;

коммуникатив мақсадига кўра соф сўроқ гапларни сўроқ-буйруқ, сўроқ-тасдиқ, сўроқ-инкордан фарқлашнинг асосий мезони таржимада намоён бўладиган лисоний белги асимметрияси эканлиги ва бу ходиса сўроқ

гапларнинг иккиламчи функцияларини таржима қилишда яққол намоён бўлиши аниқланган;

оҳанг умумий сўроқ гапнинг бирламчи белгиси эканлиги, уни ҳосил қилувчи қолган барча воситаларнинг иккиламчи, уни тўлдирувчи формал хусусиятга эга эканлиги асосланган;

таржимашунослик амалиётига лисоний қиймат назариясини татбиқ этиш орқали сўроқ гапларнинг коммуникатив контекст доирасида бирламчи (локутив), иккиламчи (иллокутив) функцияларининг намоён бўлиши ва грамматик белгилар полисемияси дифференциал-контекстуал характерга эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лисоний белги асимметриясининг система, структура ва функцияда намоён бўлиши мисоллар ёрдамида очиб берилган ва сўроқ гапларнинг инглиз тилидан рус ва ўзбек тилларига қилинган таржимаси лисоний белги асимметрияси нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, икки тил кесимида уларнинг миқдор кўрсаткичлари статистикаси аниқланган;

аслият ва таржима тиллариаро воқеланадиган асимметрия ҳодисасини аниқлашда қиймат назариясини қўллашнинг муҳимлиги ва устуворлиги ҳамда шу йўл билан адекват таржимани таъминлаш мумкинлиги исботланган;

сўроқ гапларни таржима қилиш юзасидан бир қатор назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар қиёсий-чоғиштира, контекстуал-ситуатив ва лингвостатистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий нашриётларда чоп этилган мақолаларда келтирилган назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшуносликнинг лисоний белги, унинг ифода, мазмун ва функция планлари асимметрияси, систем ва структур асимметрия, шунингдек, қиймат назарияси каби жиҳатларини таржима назариясига олиб кириш мазкур соҳаларни таржима таҳлиliga оид янгича ёндашувлар билан бойитиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан умумий тилшунослик, назарий грамматика, стилистика, нутқ маданияти, матн лингвистикаси, таржима назарияси ва амалиёти, танлов фанлар бўйича дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, курс ва битирув-малакавий ишларини ёзишда, магистрлик, докторлик диссертацияларини тайёрлашда, махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

тиллараро систем, таркибий ва мазмуний номутаносиблик ҳолатларининг намоён бўлиши, лисоний белги асимметрияси ва сўроқ гапларнинг полифункционаллиги билан боғлиқ хулосалардан Ф-1-06 рақамли

«Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» номли фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Фан ва технология агентлигининг 2017 йил 22 ноябрдаги ФТА-02-11/1164-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши таржимашуносликка оид бўлган янги назарияларнинг тўғри талқин қилинишига, инглиз, рус ва ўзбек тилларининг бой ифода имкониятларини намоён этишга хизмат қилган; тил назарияси, умумий тилшунослик, таржимашунослик, матн лингвистикаси, лингвистик таҳлил масалалари билан боғлиқ хулосалардан 5A120102–Лингвистика магистратура мутахассислигида «Замонавий лингвистика йўналишлари», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Ёзма таржима», «Матннинг филологик таҳлили», «Тил назарияси амалиёти», «Визуал ва синхрон таржима» каби фанларнинг назарий масалаларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 89-03-869-сон маълумотномаси). Натижада юқорида кўрсатилган фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлиги, талабаларнинг мазкур фанлар бўйича назарий билимларининг ошиши ва ўқув материалларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

коммуникация назарияси, тил воқеланиши, жумладан, сўроқ гапларнинг ясаиш шарт-шароитлари ва серқирралиги, улардаги услубийлик, фикрнинг қандай мақсадга йўналтирилганлиги билан боғлиқ хулосалардан Бухоро телеканалининг «Менга сўз беринг», «Кичкинтой», «Муносабат», «Ассалом, Бухоро» каби туркум кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 29 январдаги 05/15/392-сон маълумотномаси). Натижада телекомпания ижодий жамоасининг ўзбек тилида соф ва равон фикрлаши, тил воситаларини танлашда услубийликни таъминлаш, билдириладиган фикрни телетомошабинларга мантикий етказиши учун замин яратган;

тиллараро асимметрия аслият ва таржима бирликларининг қийматини белгиловчи семантик трансформацияларни тақозо этиши ва бу трансформациялар прагматик, стилистик, функционал-семантик мосликни юзага келтиришига доир хулосалардан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қарашли ҳамроҳ-таржимонларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш, лингвوماданий алоқаларни адекват тарзда ўрнатиш, таржима жараёнининг тўлақонлилигини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 21 декабрдаги 01-04/736-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг қўлланилиши ҳамроҳ-таржимонларнинг чет эл сайёҳларига тарихий материаллар мазмунини тўғри етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 164 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, ўрганилганлик даражаси кўрсатилган. Тадқиқотнинг объекти ва предмети, манбалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, методологик асослари, жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Лисоний белги асимметрияси ва сўроқ гаплар назарияси**» деб номланган биринчи бобида жаҳон ҳамда ўзбек тилшунослигида лисоний белги, лисоний белги асимметрияси, унинг система, структура ва функцияда намоён бўлиши, функционал асимметрия, Ф. де Соссюрнинг қиймат назарияси, савол ва сўроқ гап тушунчаларининг функционал талқини каби назарий масалалар ёритилган. Бобнинг «Жаҳон тилшунослигида лисоний белги тушунчаси» деб аталган биринчи фаслида лисоний белгига доир қарашлар атрофлича ўрганиб чиқилган ҳамда умумлаштирилган. Лисоний белги тушунчаси, унинг ифода ва мазмуни ҳақидаги назарияни Ф. де Соссюр ривожлантириб, ўз ўтмишдошларининг белги ҳақидаги қарашларини яхлит таълимот сифатида шакллантирди.

Ю.М.Лотман белгиларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. У биринчи гуруҳга кирадиган белгиларни *шартли* деб атаydi. Олимнинг фикрича, *шартли* белгида ифода ва мазмун ўртасида ички боғланиш йўқ. Бу Ф. де Соссюрнинг «Белги ихтиёрий»дир деган тезисига тўғри келади. Муаллифнинг фикрига кўра, кенг тарқалган шартли белги – сўздир. Иккинчи гуруҳга тасвирий белгилар киради. Тасвирий белгининг кенг тарқалган тури – расм (гул, нақш, чизма)дир. Ю.М.Лотман нафақат сўзларни, балки ҳарф, рақам ва саналарни ҳам белгилар сирасига киритади⁸. Тилшунос олим Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, «...лисоний белгининг иккилама (жуфт) хусусиятли ҳодиса эканлигини эътиборга олиш лозим. Соссюр ифодаланмиш ва ифодаловчи ҳақида гапирганида, воқеликнинг акустик тасвири ва фикрий (онгдаги) тасаввурини назарда тутаётганлиги аниқ. Лисоний белгининг жуфт хусусиятлиги айнан шундай тасвир ва тасаввур муносабатида юзага келади»⁹.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Лисоний белги асимметрияси ва унинг система, структура ва функцияда намоён бўлиши» деб номланади.

⁸ Лотман Ю.М. Семиотическое пространство // Лотман В.М. Внутри мыслящих миров: Человек. Текст. Семиосфера. История. – М., 1996. – С. 74.

⁹ Сафаров Ш. Семантика. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2013. – Б. 20.

Унда лисоний белги асимметрияси ва унинг асимметрик дуализми ҳақида яхлит таълимот яратган олим С.О.Карцевский фаолияти ёритилган. Муаллиф «Лисоний белгининг асимметрик дуализми ҳақида» номли мақоласида асимметриянинг пайдо бўлиш сабабларини, омонимия ва синонимия юзага келишининг соф лисоний манбаларини асослаб берди. Унинг қуйидаги сўзлари алоҳида эътиборга молик: «Омофония – умумий ҳодиса, омонимия эса унинг хусусий кўринишидир. У (омонимия – Н.Қ.) тилнинг тушунчалар аспектида намоён бўлади. Қолаверса, ҳар қандай лисоний белги фарқловчи хусусиятга эга бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, бу оддий сигналдан фарқ қилмайди»¹⁰. С.Карцевский лисоний белги асимметриясининг юзага келиш сабабларини шундай тушунтиради: ифодаловчи ўзининг асл, бирламчи вазифасидан бошқа функцияларни бажаришга, ифодаланмиш эса ўзининг туб белгисидан бошқа воситалар ёрдамида ифодаланишга ҳаракат қилади¹¹. Белги ва маъно, шакл ва мазмун бир-бирига тўлиқ мос келавермайди. Чунки айнан бир белги ёки шакл бир неча функция бажарса, айнан бир маъно бир неча белги (шакл) ёрдамида ифодаланади. Бу ҳолат лингвистик асимметрия назарияси сифатида шаклланди.

Манбаларда асимметрия симметриянинг йўқлиги, акси сифатида таърифланади. Бинобарин, барқарорлик, батартиблик ва мунтазамликнинг бузилиши асимметриядир¹². Ифодаланмиш ва ифодаловчилараро асимметрия ҳам система, структура ва функцияда кузатилади.

Шакл ва мазмун асимметрияси ифода плани унсурлари билан мазмун плани унсурлари сони тенг бўлмаганда намоён бўлади: ифода плани унсурлари мазмун плани унсурларидан кўп ёки аксинча бўлади. В.Г.Гакнинг ёзишича, синтагматик планда симметрия талабига кўра, ифода ва мазмун планлари ўзаро мос бўлиши керак. Буни олим қуйидаги чизмада шундай тасвирлаган:

Ифода плани	Ш1	+ Ш2	+ Ш3 ва ҳ.к.
Мазмун плани	М1	+ М2	+ М3 ва ҳ.к.

Бу чизма маъносини қуйидаги мисол орқали ифода этиш мумкин:

Луғавий маъно
interpret

От
(a)-tion

Кўплик
-s

ёки ўзбек тилида:

Луғавий маъно
мактаб

Кўплик
-лар-

Қарашлилиқ маъноси
-нинг

Параллелизмнинг синтагматик аспектда бузилиши натижасида асимметриянинг икки тури ҳосил бўлади: а) синтетик тур; б) аналитик тур.

¹⁰ Карцевский С.О. Лисоний белгининг асимметрик дуализми ҳақида. Рус тилидан Мирзаев И.К. таржимаси // Лингвопоэтика 1-илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 2001. – Б. 22-28.

¹¹ Юкоридаги асар.

¹² Каранг: Аврамов Г.Г Тилшуносликда симметрия ва асимметрия. Маърузалар матни. Рус тилидан таржима. – Бухоро: БухДУ, 2010. – 42 б.; Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. – М.: Добросвет, 2000. – 831 с.

Буни В.Г. Гак схемада қуйидагича кўрсатган:

<i>Синтетик шакл</i>	<i>Аналитик шакл</i>
III ₁	III ₂ + III ₃
M ₁ + M ₂	M ₃

Инглиз тилидаги Present Indefinite ясашида *He writes* гапидаги *writes* феъли кўшимчаси (-s) нинг ҳам бирлик, ҳам III шахс кўрсаткичи вазифасини бажариши синтагматик асимметриянинг синтетик турига мисол бўла олади. Бошқа ҳолатларда, битта умумий маъно бир нечта бир-биридан ажралган унсурлар ёрдамида ясалади: *He will have been writing*.

Парадигматик планда ифода плани билан мазмун плани бирликлари орасидаги муносабат симметрик (айнан бир хил характерда) бўлади. Мазкур шакл фақат бир маънони ифодалайди ва бир маъно доим бир шакл билан ифодаланади. Буни В.Г.Гак чизмада шундай тасвирлаган:

Ифода плани	III1	M1	Мазмун плани
	III2	M2	

Ана шу мутаносиблик бузилганда, парадигматик сатҳда асимметриянинг икки тури – полисемия ва синонимия юзага келади:


Бинобарин, полисемия ва синонимияни таърифлашда ана шу қоидага асосланиш лозим бўлади.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «Фердинанд де Соссюрнинг қиймат назарияси» деб аталади. Соссюр лисоний белги тушунчасига ўз муносабатини билдирар экан, уни бошқа белгили тизимлар (масалан йўл ҳаракати белгилари тизими)дан фарқловчи хусусиятларга тўхталади. Биринчи фарқ белгининг *ихтиёрийлиги*, яъни *soeur* [s-o-r] сўзини ташкил қилган товушлар кетма-кетлиги «опа» тушунчаси билан ҳеч қандай ички алоқага эга эмаслигидир. Иккинчи фарқ ифодаловчининг қиймати (ценность) маъносида талқин қилинишида намоён бўлади¹³. Таржимада сўз, сўз бирикмаси, гап ва шу кабиларнинг маъносини эмас, балки уларнинг қиймати (*valeur*) берилиши лозимлиги ҳақида ҳозиргача таржима илми ва амалиётида фикр юритилмаган. Ҳолбуки, тилшунослик тараққиёти пировард натижада таржима назариясининг фундаментал йўналишлари учун асос вазифасини ўтагани ҳам айни ҳақиқатдир.

Қиймат назариясини таърифлаб, Ф.де Соссюр шундай дейди: «Сўзнинг қиймати ҳақида гапирганда, одатда ва энг аввало унинг тушунчани

¹³ Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. – М., 1988. – С. 16-76.

ифодалаши ҳақида ўйлайдилар. Бу, ҳақиқатан ҳам, лисоний қийматнинг кўринишларидан бири. Агар шундай бўлса, қиймат биз маъно деб атайдиган нарсадан нимаси билан фарқ қилади? Бу икки сўз маънодошми? Биз бундай деб ўйламаймиз, гарчи уларни адаштириб юбориш қийин бўлмаса ҳам: терминлар ўхшашлиги ҳам, улар орасидаги фарқнинг нозиклиги ҳам шундан далолат беради»¹⁴. Муаллиф сўзида давом этиб, ўзининг концептуал маъносида олинган қиймат, шубҳасиз, маъно бирлиги, уларни фарқлаш қийин жараён эканлиги, бироқ бу масала [яъни маъно ва маънолилик (қиймат) масаласи] ҳал этилмаса, тил оддий номенклатурадан фарқланмасдан қолиши мумкинлигини таъкидлаб, уларнинг фарқини тушунтиришга киришади. Ф. де Соссюрга кўра, маънони қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Чизмадаги ўқлар маънонинг акустик образ билан мувофиқликда туришини кўрсатади. Бошқача айтганда, маъно – фақат сўз доирасидаги акустик образ ва тушунча орасидаги нарса.

Бобнинг «Савол ва сўроқ гап тушунчаларининг функционал талқини» деб аталган тўртинчи фаслида *савол* (сўроқ) ва *сўроқ гап* тушунчаларининг маънодош эмаслиги асосланади. Дарҳақиқат, фалсафий, мантикий, психологик, лингвистик категория бўлмиш савол ҳамда нутқий ва лисоний бирлик бўлмиш сўроқ гап ўта мураккаб ҳодисалар бўлиб, турли тиллар материали асосида ва турли йўналишларда ўрганилган ва ўрганилмоқда¹⁵. Савол ва сўроқ гап дихотомиясида сўроқ гап ўзининг муайян белгилари – сўроқ олмошлари ёки юкламалари, махсус сўз тартиби ва, айниқса, махсус оҳанг кабиларга эга бўлган синтактик қурилма сифатида, савол эса мулоқот мақсадининг бир тури, яъни суҳбатдошни унга қаратилган нутққа жавоб

¹⁴ Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. Перевод с французского. – М.: Прогресс, 1977. – С. 148.

¹⁵ Аҳмедов А. Махсус интонацияли сўроқ гапларнинг структураси // Ўзбек тили ва адабиёти. 3-сон. – Тошкент, 1965. – Б. 41-45; Белунова Н.И. Вопросительное и побудительное предложения в коммуникативном аспекте. – С.Петербург, 2013. – С. 84-91; Бердникова Л.П. Проблематика вопросительных слов в английских «X» – вопросах // Вопросы романно-германской филологии. – Пятигорск: ПГЛУ, 2000. – С. 36-40; Гуляев Ю. Типы простых и сложных вопросительных предложений в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Калинин, 1970. – 30 с.; Гурова Н.В. Местоименные вопросительные предложения в английском и испанском языках: Дис. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2005. – 260 с.; Колесникова Н.Л. Вопросительные предложения как средство выражения оценочной семантики (на материале англ. яз.): Дис. ... канд. филол. наук. – М.: МГПУ, 2005. – 174 с.; Кулундарий В.В. Признаки побудительности у вопросительных предложений английского языка // Мир науки, культуры, образования, № 1. – Москва, 2015. – С. 285-288; Махмудов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Тошкент, 1992. – 95 б.; Сагидова М.Ч. Средства выражения вопроса в испанском языке: Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2002. – 24 с.; Смирнова М.Д. Предложения с вопросительными словами в функции возражения: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2002. – 26 с.; Gale S.A. Prolegomenon to an Interrogative Theory Of Scientific Inquiry // Questions. – Holland / Boston, 1978. – P. 319-349; Harris Z. The Interrogative in Syntactic framework. – Holland / Boston, 1978. – P. 137; Lang R. Questions in Epistemic Requests. Questions. – Holland / Boston. 1978. – P. 347.

беришга ундаш вазифасини бажарувчи бирлик сифатида қабул қилинса, сўроқ гапларнинг кўп қисми ўзида ҳеч қандай савол маъно ва мазмунини ташимайди. Риторик сўроқ гаплар бу назарияга яққол мисол бўла олади. Бинобарин, сўроқ гапларда савол семаси тасдиқловчи ахборот ёки ундаш семалари билан кесишиши мумкин. Демак, савол – бу фикр кўриниши бўлибгина қолмай, у нутқ актининг бир кўриниши ҳамдир.

Диссертациянинг иккинчи ва учинчи бобларида Т.Драйзернинг «Америка фожиаси» асари ва унинг З.Вершинина ва Н.Галь томонидан рус тилига ҳамда Эркин Носиров томонидан (рус тили орқали) ўзбек тилига қилинган таржималаридан олинган сўроқ гаплар таржимасида лисоний асимметрия ҳодисасининг намоён бўлиши таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Умумий сўроқ гаплар таржимасида лисоний асимметрия ҳодисаси**» деб номланади. Биз тадқиқот объекти қилиб танлаган сўроқ гап тилшуносликда янги ёки кам ўрганилган соҳа бўлиб ҳисобланмайди. Гапнинг мазкур тури структура, семантика, стилистик қўлланиш, коммуникациядаги роли нуқтаи назаридан ўрганилган. Бундай кўпжihatлилик сўроқ гапларнинг мураккаблиги, серкирралиги ҳамда ҳажмлилигидан далолат беради.

Биринчи фасл «Инверсия ёрдамида ясалган сўроқ гаплар таржимасида асимметрия» деб номланади. Унда инверсия ёрдамида ҳосил қилинган сўроқ гаплар таржимасида асимметриянинг намоён бўлиш ҳолатлари таҳлил қилинган. Бунда «would» ёрдамчи феъли воситасида ясалган умумий сўроқ гапларнинг таржимасида хусусийликка ўтиб бориш ҳолати кузатилади:

Инглизча: *But had not the jury there at Bridgeburg listened to that plea with contempt. And would the Court of Appeals think differently*¹⁶? [B. Th., ch. XXXII, p. 368]

Русча: *Но не захотели же в Бриджбурге посчитаться с этим доводом. Захочет ли апелляционный суд?* [стр. 428]

Ўзбекча: *Лекин Бриджбургда бу баҳона билан ҳисоблашишмади-ку. Хўш юқори суд қандай қараркин бунга?* [439-бет]

Инглиз тилида *would* ва рус тилида *ли* ёрдамида ясалган умумий типдаги сўроқ гапнинг ўзбек тилига махсус ёки олмошли сўроқ гап тарзида таржима қилинишидан мақсад, эмоционаллик ва экспрессивликни оширишдир. Бироқ нима учун айнан *қандай* сўроқ олмоши ишлатилган? *And would the Court of Appeals think differently?* гапини ўз шаклига мувофиқ тарзда таржима қиладиган бўлсак, бу таржима *Хўш, юқори суд бунга бошқача қарармикин?* кўринишига эга бўлади. Тахминий таржимамиздаги *differently* сўзига муқобил бўлган *бошқача* сўзининг семантикаси «юқори суд» нинг қанақа қарашга эга бўлишини ҳали очиб бермайди, яъни унинг ўзининг маъноси мавҳумлик касб этади. Шу мавҳумликни кескинлаштириш мақсадида таржимон *қандай* сўроқ олмошини ишлатган. *Differently* ёки *бошқача* каби сўз шаклидаги белгилар касб этган қиймат ва моҳият *қандай* сўзида ўз

¹⁶ Авторефератда келтирилган мисоллар Т.Драйзернинг «An American Tragedy» асари ва унинг рус ва ўзбек тилларига қилинган таржималаридан олинди. Жумладан, инглиз тилидан рус тилига З.Вершинина ва Н.Галь таржимаси (Москва, 1954. – 908 бет) ҳамда рус тилидан ўзбек тилига Э.Носиров таржимаси (Тошкент, 1976. – 885 бет).

аксини топган. Бу ерда ҳосил бўлган тиллараро лисоний белги шакл асимметрияси бутун гап доирасида структура асимметриясини ҳам келтириб чиқарган. Яъни аслият матнида тўлдирувчи мавжуд бўлмаган ҳолда, ўзбекча таржимада *бунга* воситали тўлдирувчиси иштирок этган. Инглиз матнидаги *think differently* жумласидаги *think* феъли равиш билан аниқлаштирилган бўлса, ўзбек матнида равиш вазифаси *қандай* сўзига юклатилган ва *бунга* сўзи шу сўз қўлланган сўроқ гапдан олдин келган бутун сўроқ гапга ишора вазифасини ўтаган. Албатта, бу контекст масаласига ҳам боғлиқ ҳолат бўлиб қолади.

Бобнинг иккинчи фаслида тўғри сўз тартиби қўлланган сўроқ гаплар таржимасида асимметрия ҳодисасининг намоён бўлиш ҳолатлари ўрганилган. Фақат оҳанг орқали ясалган сўроқ гаплар таржимаси таҳлили жараёнида шундай ҳолатга дуч келинди: инглиз тилида оҳанг ёрдамида ҳосил қилинган сўроқ гаплар – 24 та. Шулардан, русча таржиманинг 23 таси (95%) да аслият тузилиши сақланган ва 1 ҳолатида *разве* сўроқ сўзи билан берилган бўлса, ўзбек тилида 23 ҳолат (95%) да *-ми* юкламаси ёрдамида берилган ва фақат биргина ҳолатда аслият оҳанги ва тузилиши сақланиб қолган. Қиёсланг:

Инглизча: *You are the father of Roberta Alden?* [B. Th., ch. XXI, p. 198]

Русча: – *Вы отец Роберты Олден?* [стр. 264]

Ўзбекча: – *Сиз Роберта Олден отасисиз, шундай эмасми?* [стр. 245]

Мазкур бобнинг «Ажратилган сўроқ гаплар таржимасида асимметрия» деб номланган фаслида қуйидагича таҳлил амалга оширилган:

Инглизча: *You can't be sure so soon as all this, can you?* [B. Two, ch. XXXIII, p. 459]

Русча: – *Разве ты уже можешь знать наверняка?* [стр. 396]

Ўзбекча: *Бунга ўзинг билолмайсанми?* [369-бет]

Аслиятдаги *can you* сўроқ элементи рус тилига сўроқ олмоши (*разве*), ўзбек тилига *-ми* сўроқ юкламаси билан берилган. Аслиятдаги ажратилган сўроқ (*can you*) сўроқ гапнинг қолган қисми билан ифодаланган маънонинг тасдиғини сўраяпти. Бу мисол ва унинг таржималари тиллараро асимметрияга ҳамда таржиманинг асосий вазифаси – сўзларнинг маъно-шакллари эмас, балки уларнинг қийматини топиш ва беришдан иборат эканлигига яққол мисолдир. Ўзбек таржимони ўзи учун аслият қилиб олинган русча таржиманинг қийматини топа олмаган. Шунинг учун гапни сўзма-сўз бўлса-да, ўгиришга ҳаракат қилган. Бу ерда *-ми* юкламаси аслиятдаги маънога путур етказган. Чунки аслият ва русча матнда ифодаланган сўроқ гапларда сўроқ шаклга қарамасдан, тасдиқ маъно англашиладиган бўлса, ўзбекча таржимада тасдиқ маъно англашилмай, фақат соф умумий сўроқ гап шаклланган. Биз эса бу гапнинг қуйидагича таржимасини таклиф қиламиз: *Бунга аниқ билишинг мумкин эмас, шундайми?*

Инглиз тилидаги ажратилган сўроқ гапларни рус ва ўзбек тилларига таржима қилишда асосан шаклий тафовутлар кузатилади. Сўроқ гапларнинг қиймати ва функциялари нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш жоизки, аслият ва таржима матнларидаги сўроқлилик элементлари лингвистик симметрияни

вокелантиради. Муайян ҳолатлардаги тиллараро асимметрик муносабатлар кўп ҳолларда сўроқ гапларнинг шакл жиҳатига тааллуқли бўлиб, таржиманинг тўлақонли ва сифатли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Биринчи бобнинг «Умумий-риторик сўроқ гаплар таржимасида асимметрия» деб номланган фаслида ҳозирги замон риторикида монологик нутқнинг маъно ўзакларини эмоционал тарзда ажратиб кўрсатишга, нутқ предметиға нисбатан адресатнинг эмоционал муносабатини шакллантиришга хизмат қиладиган, монологик нутқни диалогизациялаштирадиган эффектив фигура сифатида характерланадиган сўроқ гап тури, яъни «риторик сўроқ гап» таржимасида асимметрия воқеланиши тадқиқ қилинган.

Риторик сўроқ гап нутқда кенг қўлланадиган ҳодиса бўлганлиги сабабли доимо тадқиқотчилар эътиборида бўлиб келган ва келмоқда. Охирги ўн йиллик давомида риторик сўроқ гапга таъриф беришга, унинг қўлланиш хусусиятларини очиб беришга бир қатор рус ва чет эл тадқиқотчилари уринмоқдалар. Риторик сўроқ гап муаммосини ёритиш мақсадида бир қатор олимлар рус¹⁷, инглиз¹⁸ ва ўзбек¹⁹ тиллари материалида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Бироқ риторик сўроқ гап хусусида билдирилган талқинларда қарама-қарши ҳолатлар ҳам кузатилади. Баъзи ишларда экспрессив бўёқга эга бўлган инкор риторик сўроқ гап деб аталади дейилган бўлса, бошқаларида тасдиқ ахборот ёки ундаш, яна бошқаларида эса яширин тасдиқ ёки инкор деб таърифланган. «Риторик сўроқ гап» атамасининг ўзи ҳам кўп ҳолларда «псевдовопросительное предложение», «неинтеррогативно-употребленное вопросительное предложение», «лжевопрос», «ложный вопрос», «мнимый вопрос», «псевдовопрос» каби терминлар билан аталади. Қуйида таржима таҳлили натижасини келтирамиз:

Инглизча: *But if she questioned him in regard to these things now, would he not get angry and lie to her still more?* [Book Two, ch. XXXI, p. 441]

Русча: *Но если спросить его об этом сейчас, он, пожалуй, только рассердится и опять солжёт...* [стр. 380]

Ўзбекча: *Буни ҳозир сўраса борми, аччиги чиқиб кетиб, яна ёлгон гапирди...* [354-бет]

Ажратиб кўрсатилган риторик сўроқ гап берилган контекстда тасдиқ маъносини билдириб келмоқда. Шу матнда ифодаланган вазият, шарт-

¹⁷ Белоколюцкая С.А. Риторический вопрос в английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Тула, 2005. – 184 с.; Белоунова Н.И. Вопросительное и побудительное предложения в коммуникативном аспекте. – С. Петербург, 2013. – С. 84-91; Мостовая Л.А. Риторический вопрос в группе косвенных речевых актов // Вестник РУДН, № 4. – Москва, 2013. – С. 129-133.

¹⁸ Воейкова А.А. Структурные особенности квеситивных конструкций // Вестник ТГПУ, № 4 (145). – Калуга, 2014. – С. 49-53; Винантова И.В. Классификация косвенных речевых актов, выраженных в вопросительной форме (на мат. англ. яз) // Вестник ЧелГУ, № 43. – Челябинск, 2014. – С. 84-88; Колесникова Н.Л. Вопросительные предложения как средство выражения оценочной семантики (на материале англ. яз.): Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МГПУ, 2005. – 174 с.; Guerzoni E. Why Even Ask?: on the pragmatics of questions and the semantics of answers: Doctoral dissertation. – Massachusetts, 2015. – P. 198.

¹⁹ Абдуллаев А. Риторик сўроқ гаплар эмоционал-экспрессив фикр ифодалаш воситаси сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – Б. 47-51; Ахмедов А. Вопросительные предложения в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 26 с.; Исмаилов Х.Х. Риторик сўроқ гаплар // ТошДУ Илмий ишлар тўплами, № 264. – Тошкент, 1964. – 158 б.; Максумова С.С. Коннотативно-прагматическое значение риторических вопросительных предложений в узбекском языке // Вестник МГЛУ, № 24 (630). – Москва, 2011. – С. 48-53.

шароит шундай сўроқ гапнинг туғилишини тақозо қилиб турибди. Аслида Клайднинг аччиқланиб, ёлғон гапиришини аниқ билган муаллиф бунга риторика нуқтаи назаридан ёндашиб, шундай шаклни ишлатган.

Рус ва ўзбек таржимонлари инглизча сўроқ гапнинг риторик характерда эканлигини, ҳеч қандай ахборот ёки жавобни талаб қилмасдан, аксинча, ўзи дарак характерда бўлганлигини ҳисобга олиб, уни дарак гап тарзида таржима қилган. Яъни аслият матнида сўроқ шаклида бўлган гап дарак гап шаклини олган.

Аслият муаллифи бу ҳолатда шу матнда риторик сўроқ гапни интенсификатор, яъни кучайтирувчи қисм сифатида қўллаган. Унинг кучлилик даражаси шу гап таркибидаги кучайтирувчи элементлар сонининг ошишига боғлиқ. Бу гапнинг синоними сифатида ... he would get angry and lie to her still more деб бериш мумкин ва бу бир хил маъно ва қийматга эга бўлган икки гап – синонимларни ҳосил қилади.

Келтирилган мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, сўроқ гапларнинг иккиламчи функциялари сўзловчи жавоб кутмаганда намоён бўлади ва амалда риторик ҳамда сохта саволлар ёрдамида намоён бўлади. Чунки тиллараро асимметрия, айниқса, сўроқ гапларнинг иккиламчи функцияларини таржима қилишда яққол намоён бўлиб, бундай сўроқ гаплар шаклан бир хил (омоним), мазмунан эса ҳар хил (синоним) дир.

Учинчи боб **«Махсус сўроқ гаплар таржимасида лисоний асимметрия ҳодисаси»** деб аталади. Мазкур бобнинг объекти сифатида танланган инглиз тилидаги олмошли сўроқ гапларнинг рус ва ўзбек тилларига таржималари таҳлили тиллараро лисоний асимметрия намоён бўлишини кузатишга имкон яратди. Таҳлилга тортилган сўроқ гапларнинг қўлланувчанлик даражаси аниқланиб, уларнинг инглиз тилида энг кўп қўлланувчанлиги нуқтаи назаридан, қуйидагича кўрсаткичлари белгиланди: тадқиқот учун танланган асарда учраган махсус сўроқ гапларнинг 81 % ини ташкил қилган «what», «why», «how», «who» сўроқ сўзли сўроқ гаплар таржимаси таҳлили амалга оширилган.

Инглиз тилида махсус сўроқ гапда хусусийликни ифодаладиган бирлик – сўроқ сўз гап охирида келадиган ҳолатлар ҳам кузатилади:

1) Инглизча: *And he must do what?* [B. Two, ch. XLVII, p. 600]

Русча: *Что он должен сделать?* [стр. 82]

Ўзбекча: *Нима қилиши керак у?* [83-бет]

2) Инглизча: *He had come here for what?* [B. Two, ch. XLVII, p. 600]

Русча: *Для чего он сюда явился?* [стр. 82]

Ўзбекча: *Хўш, нима учун у бу ерга келди ўзи?* [83-бет]

What сўроқ олмошли бундай гаплар ўзбек тилига гапнинг биринчи, яъни ҳеч қандай сўроқ элементи эга бўлмаган, мақсадига кўра дарак гап бўлган қисмига боғлиқ ҳолда таржима қилинади. Бундай гапларнинг таржимаси умумий бир қоидага асосланган ҳолда амалга оширилмайди. Чунки *what* сўроқ сўзи гапда турли бўлакларга тегишли бўлиши мумкин. Биринчи гапнинг таржимасига эътибор қаратамиз. Асл нусха муаллифи шу сўроқ гапни *And what must he do?* тарзидаги анъанавий қолипда ҳам бериши

мумкин эди. Бироқ у ўзининг яратган асарига кўпроқ таъсирчанлик бағишлаш учун, асар қаҳрамони Клайднинг олдиндан режалаштирган хунук, ғаразли ниятини амалга оширишда ишончсизликка берилганини ифодалаш мақсадида бу саволни шу тарзда қўйган. Ўзбек тилига ўгирилганда, сўнгги позицияда ишлатилган сўроқ элементи биринчи позицияга кўчган, бироқ шу сўроқ гапнинг таъсир кучини сақлаб қолиш мақсадида таржимон гапда эга бўлиб келган у кишилиқ олмошини гап охирида қўллаган.

